

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АХАТОВА МАХБУБА САЛИМОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАСАВВУФ ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Content of Dissertation Abstract of Doctor of Science (DSc) on Philological
Sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc) по
филологическим наукам**

Ахатова Махбуба Салимовна Ўзбек тили тасаввуф лексикаси.....	3
Ахатова Махбуба Салимовна Tasavvuf lexicon of uzbek language.....	31
Ахатова Махбуба Салимовна Лексика тасаввуфа узбекского языка.....	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ.....	61

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FII.19.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АХАТОВА МАХБУБА САЛИМОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИ ТАСАВВУФ ЛЕКСИКАСИ

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Fil344 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.navoiy-uni.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Расмий оппонентлар:

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор
Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор
Ўразбоев Абдулла Дурдиевич
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси А.Навоий номи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Илмий даража берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «17» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (+998 71) 281-42-44; факс: (+998 71) 281-42-44; (www.navoiy-uni.uz).

Диссертация билан А.Навоий номи Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (852-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (+998 71) 281-42-44; факс: (+998 71) 281-42-44;

(www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 12 куни тарқатилди.

(2021 йил 13.12 даги 1- рақамли реестр баённомаси).



Ш.С.Сирожиiddinov
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

К.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.д.

И.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг илғор бадний карашлари таракқиётида муҳим аҳамият касб этган туркий адабиёт учун тасаввуфий адабиёт гўё бир тамал тоши кабидир. Тил нуқтаи назаридан каралса, биргина ўзбек тили доирасида тасаввуф лексикаси миқдор жихатидан чексиз уммондек гўё. Биргина мисол: мазкур лексик қатлам доирасига кирувчи шахсни англаувчи истилоҳларнинг сони 550 атрофида, “*тасаввуф илми*” мазмунини ифодаловчи сўзларнинг миқдори эса 30 дан ортикни ташкил қилади. Уларнинг бири “*мистика*”. “*Мистика*”нинг мазмуни “*дунёдан беҳожат бўлиш*”. Айрим фарқли жихатларини эътиборга олмаганда, бу айнан авлиёлар илми, тасаввуф демакдир. Унда “*экстремистицизм*” нима? (“*экстрн*” “*чет, ташқари*” мазмунини ифодаловчи сўз) бу бирор-бир мақсад (масалан, моддий мақсад)ни кўзлаб фаолият юритиш демакдир. Демак, *мистика* (яъни тасаввуф) “*дунёдан беҳожат бўлиш*” экан, *экстремистицизм* тасаввуф илмига, яъни маърифатга, авлиёнинг илмига, илму ирфон ва буюк маънавиятга қарши оқим дегани бўлади. Бундан жамиятда баъзан хуруж қилиб турадиган экстремистик (тасаввуфга қарши) оқимлар билан авлиёнинг илми ўртасидаги ихтилоф (карама-қаршилиқ) ва мазкур илм (унинг тил хусусиятларининг ҳам) ўрганилишининг бугунги кундаги аҳамияти қай даражада жанлиги ҳақида аниқ хулосага келиш мумкин.

Дунё маърифати цивилизациясига эришиш йўлида тасаввуф илмини ўрганиш қанчалик зарур ва аҳамиятли бўлса, унинг тилини, туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили ривожига бўлган улкан таъсирини ўрганиш ҳам шунчалик зарур ва аҳамиятлидир. Лекин бу соҳада тилшунос олимлар томонидан қилинган ишлар ҳали деярли мавжуд эмас. Бу соҳада шу бугунга қадар бор бўлган адабиётларни ўрганиш, улардаги ўзига хосликларни ёритиш масалалари талқин этилмаган, зарурий илмий хулосалар чиқариш масалалари тилшуносликда ёритилмаган. Шу сабабли олиб борилган ишлар салмоғидан келиб чиқиб, бу йўналишда ўзбек тилида тасаввуфий луғавий қатламни ўрганиш ва баҳолаш, умумтилшунослик назариясини тўлдириш учун ҳам яхлит ва умумий хулосалар чиқариш имконини беради.

Мустақиллик йилларидан комил инсонни тарбиялаш йўлидаги дастлабки қадам ёшлар онгида маърифий бўшлиқ қолдирмай баркамол авлодни вояга етказиш мамлакат олдида ҳам энг устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Инсонни комилликка ундаш – аввало, хулқ гузаллигига эришиш, ахлоқни камолга етказишга йўллаш демакдир. Тасаввуф – хулқ-атвор гузаллиги. Ҳукумат томонидан бу масалага давлат сиёсати даражасида қаралаётган бир пайтда “комил инсон гоёси”ни тарғиб қилувчи илми ирфонни – тасаввуф илмини бевосита ўрганиш, унинг лексикаси бўйича тадқиқотлар яратиб долзарб аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ – 2995-сон

«Кадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ – 2789-сон «Фаилар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ – 3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» 24-Ф-сон мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъносини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон фармойиши ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жаҳон ирфоний илмида Ибн Ҳанбалнинг «Муснад» (Истанбул), Фахриддин Ироқийнинг «Ламаот. Сафат» (Истанбул, 1985), Афибийнинг «Фит тасаввуфил Исломи» (Қоҳира, 1956), Сухравардийнинг «Аворифул маориф» (Байрут, 1966), Фахриддин Ироқийнинг «Ламаот. Сафат» (Истанбул, 1985), Сулаймон Оташнинг «Ишораи тафсир мактаби» (Анкара, 1974), Жаъфар Содикнинг «Ёрон. Исломи тасаввуфида робита масаласи» (Арзирум, 1986), Журжонийнинг «Маърифат» (Истанбул, 1775), М. А. Жушоннинг «Тасаввуф ва ҳаёт» (Истанбул, 1996) Аҳмад Авни Қуноқнинг «Фусул Ҳикам» (Истанбул, 1994), Ибн Арабийнинг «Маърифат

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <http://www.ankara.edu.tr>; <http://literature.az/language>; www.Ziyouz.Com/O'zbektiliterminologiyasi; www.islom.uz/Qurontafsihi.2008yil; <http://www.Islomvetasavvuf.Org/Islamvetasavvuf> haqqida bilgikaynagi; <http://www.tasavvuf.Info/makalalar/tasavvufvesufilar>; <http://www.Tasavvufinedir.Com/Tasavvufimerlari>; <http://www.Tasavvufinedir.Com/Tasavvufhaqqida/MeshhurTasavvufEkoollari/Nakshandiy,Kubraviye,Kadhiye>; <http://www.Tasavvufinedir.com/Makaleler/TasavvufGagirlirKen>; <http://www.tasavvuf.com>; <http://www.tasavvuf.gen.uz>; <http://www.caniventasavvuf.com>; <http://www.islamvetasavvuf.com>; <http://www.izmirtasavvuf.com>; <http://www.ilmvetasavvuf.com>; www.Ziyouz.Com/O'zbektiliterminologiyasi; www.Ziyouz.Com/ [аниленко В. П. Русская терминология: опыт лингвистического описания]; org/wikipedia/Tasavvuf www.tasavvufi-suhbetlar.com/ www.SeyhSuleymanelCezali.DelailulHayrat; www.amasyushzadetasavvuf.com www.tasavvuf.uz/tasavvuf www.tasavvufadabietii.Tasavvufasoslari. www.tasavvufhaqqidaayrimmulohazalar/Tasavvufallomlari; <http://iza.tj/ru/institutyazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://www.samdu.uz> бошқа манбалар асосида ёрилди.

ва ҳикмат» (Истанбул, 1997) каби илмий асарлари ярагилган. Хориж тасаввуфшунослигида мазкур иимга оид араб тилида «Миръот ушшок», Футухоти Маккия», «Истилохоти суфия», форс-тожик тилида «Ғиёс ул-луғот», турк тилида «Tasavvuf teremlere süzluku» («Тасаввуф терминлари луғати») катта ҳажмли луғатлар дунёга келган. Тасаввуфга алоқадор ходисалар, тушунчалар ва муҳим муаммоларни илмий-назарий ҷаҳатдан ўрганиш борасидаги изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказларида Istanbul Universitesi (Туркия); Oxford, Kembrijd universitetlari (Буюк Британия); Ankara Universitesi, Институти забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хаттии ба номи Рудакӣ (Тожикистон); Aligarh Muslim University, Delhi University (Ҳиндистон); Azərbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına adabiyat institutu (Озарбайжон); Институти восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия); Институти Востокоеведение АН Украина им А. Крымского (Украина); Балх давлат университети (Афғонистон) да ва юртимизда Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти; Ўзбекистон Миллий университети; Тошкент давлат Шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети; Бухоро давлат университети; Алишер Навоӣ номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида, хусусан соҳалар лексикасини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий нағижалар олинган: терминлар корпусини яратишнинг лингвистик асослари, лексикада инновацион жараёнлар, терминларнинг лингвокогнитив қиёсий таҳлиллари, лексик-прагматик воситаларнинг қўлланилиш хусусиятлари (Istanbul Universitesi, Gazi Universitesi, Azərbaycan milli elmler akademiyasi Nizami adına ədəbiyyat İnstitutu, دانشگاه تهران, Оксфорд университети, Институти забон, адабиёт, шарқшиноси ва мероси хаттии ба номи Рудаки, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Алишер Навоӣ номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети).

Дунё маърифат илмида илмий-иждодий лабораторияларни янгича ёндашув ва концепциялар ёрдамида тадқиқ этишнинг қуйидаги устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: Куръон ва ҳадис ибораларидаги шариат аҳкомларига далолат қилувчи мазмунларни инкор этмаган ҳолда, уларнинг ботиний, сўфиёна маъноларини ёритиш, тасаввуф таълимотида тимсоларнинг рамзий маънолари, мумтоз тасаввуфий шеъриятда поэтик анъана синтезининг намоён бўлиш мезонларини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида асрлар синовидан ўтган буюк аждодларимизнинг ёркин асарлари лингвистик тафаккурнинг энг юксак чуққиси сифатида баҳоланади. Умумжаҳоний маърифат, умумтуркий лингвистика соҳасида қўйилган дастлабки қадам сифатида ҳам мазкур илмий иш нақадар аҳамиятлидир. Бугун замонавий ва

мукаммал тадқиқот усул ва воситалари асосида яратилган илмий асарларгина умумбашарий цивилизацияга том маънода хизмат қила олади.

Дунёнинг қўллаб тилшунослари томонидан яратилган илмий тадқиқотларга шу нуқтаи назардан ёндошилганлиги кузатилади. Тасаввуф тилининг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларини ўрганишга бағишланган катта ва муҳим тадқиқот иши, лексик соҳа тилининг этимологик ва диалектал илдизлари, унинг таркибий қисми ва ўзбек тилидаги асослари, тасаввуф тилининг ҳозирги тилдаги аҳамияти ҳамда унинг ўзбек адабий тили, халқ жонли тили, араб, форс-тожик ва бошқа тилларга муносабати каби бир қатор муҳим масалаларга ханузгача қўл урилмасдан келинган.

Ўзбек тилшунослигида Т. Юлдошевнинг «Навой ва Бобурнинг ислом фарзларига бағишланган асарларида шаръий атамаларнинг лисоний таҳлили» (Тошкент, 2004) номли номзодлик ишида шаръий терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари, лексик қатламдаги лексик-семантик жараёнлар, умуман шаръий терминларнинг тил хусусиятлари атрофлича ўрганилган. Тасаввуфнинг дунёга келишига таъсир кўрсатган исломий манбаларнинг бири шаръий тушунчалардир. Маълумки, тасаввуфда маънавий комиллик йўли тўрт босқичга ажратилади: 1. Шариат. 2. Тарикат. 3. Маърифат. 4. Ҳақиқат. Тасаввуфда муҳим аҳамият касб этган валийлик ва унга боғлиқ моҳиятлар ояту ҳадисларга асосланган. Маҳмуд Шабустарий шариатни – пўст, ҳақиқатни – мағизга қиёслайди. Ва пўст билан мағиз оралиғини тарикат деб атайди.

Т. Юлдошев ўз номзодлик ишида ўзбек тилидаги шаръий терминлар ва шаръий маънолар билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама батафсил ёритган. Диний матнларнинг услубий-функционал хусусиятлари (Фарғона давлат университети), диний фразеологизмлар трансформацияси: семантик ва лингвимаданий аспектлар (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети) масалалари борасидаги изланишлар жараёни ҳам диний лингвистика доирасида давом этмоқда. Тасаввуфнинг марказини тарикат тушунчалари ташкил этганлиги сабабли ишимизда *таҳорат*, *намоз*, *рўза*, *закот* каби шариат терминларининг шаръий маъноларини эмас, тарикатда англатадиган ботиний маъноларини ёритишга, уларнинг маънавий гуруҳларини кўрсатишга урғу берилган.

Х. Нетьматов «Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшунослиқда синтаксисни ўрганиш масалалари»² номли мақоласида фонетик, морфологик ва бошқа тил ҳодисаларини синтаксисни ўрганиш жараёнида аралаштирмаслик, соф синтактик таҳлил олиб бориш фикрини билдиради. Бу мулоҳазани «фаҳм ва идрок – тажаллиси» мисолида асосламоқчи бўлади. Мақолага кўра фаҳм тажалли этиб идрокнинг йўлини тўсади, яъни тилшунослик нуқтаи назаридан фонетик, морфологик ва бошқа категориялар гап таркибида тажалли этади. Мана шу тажаллидан воз кеча олсак, бугунги

² Ўзбек тили ва адабиёти. Х.Нетьматов. Тажалли тасаввуф билиш назарияси ва тилшунослиқда синтаксисни ўрганиш масалалари. 1993 йил. 2-сон.

синтактик таҳлилда мураккаблик ва тушунилмасликдан халос бўламиз. Мақолада синтактик жараёнлар диалектика ва субстанция ходисаларига боғланган ҳолда талкин этилган. Унда тилда соҳалар лексикаси, хусусан тасаввуфга оид қатламга лексик система сифатида ёндошиш, уни терминологик аспектда тадқиқ этиш нуктаи назарига яқинлаштириш ҳам бўлмаган.

Тасаввуфга оид луғавий қатламнинг тил хусусиятлари тармоқ лексикасини системали тадқиқ этиш аспектида монографик ҳажмда ўрганилмаган. Яъни, тасаввуф лексикаси яхлит система сифатида таҳлил этилган илмий-назарий иш мавжуд эмас. Тасаввуфий-ирфоний соҳа нафақат ўзбек, балки дунё тилшунослигида тил аспектларида яхлит тизим шаклида тадқиқ қилинмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Ҳозирги ўзбек тилининг систем-структур, антропоцентрик ва ареал тадқиқи» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тасаввуфий лексикани системали текшириш, асосий фонди, мавзуй гуруҳлари, семантикаси, шаклланиш ва таракқиёт йўллари, бойиш манбалари, ўзбек тилида тутган ўрнини белгилаш, ясаиш усуллари, бошқа лексик тизимлардагидан фарқли жиҳатлари, маънодошлик, зид маънолилиқ, кўп маъноли лексемалар маъноларининг кўчиш йўллари ва усулларини аниқлаш, луғатларда тасаввуфий сўзлар талқинидаги услубий, мантаний ғализликларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги ва эски ўзбек адабий тили, аниқроғи, шеърӣ асарлар, назарӣ ва тарихӣ манбалар, матбуот саҳифалари, асосӣ луғатларда ўз ифодасини топган тасаввуфга алоқадор лексик бирликларни йиғиш, уларни тизимлаш ва шарҳлаш;

тасаввуф лексикасининг шаклланиш тарихи, луғавий бирликларнинг тарихӣ – этимологик таркиблари, ҳар бир мавзуй гуруҳни ташкил этувчи истилоҳларнинг бирлаштирувчи белгиларини аниқлаш;

тасаввуф истилоҳларининг ясаиш усуллари, бошқа лексик тизимлардагидан фарқли жиҳатлари, соҳадаги маънодошлиқ, зид маънолилиқ ходисаларини текшириш, кўп маъноли лексемалар маъноларининг кўчиш йўллари ва усулларини белгилаш;

асосӣ луғатлардаги, тасаввуфий маънодаги сўзлар талқинидаги услубӣ ғализликларни кўрсатиш ва сўз қўллаш учун тавсиялар бериш, тасаввуф ва шеърӣят муносабатларини ёритиш;

тасаввуфда “Шахс ифодаловчи истилоҳлар луғати” ва “Тасаввуф лексикаси маънодошлар луғати”ни тузиш.

Тадқиқотнинг объектини тасаввуфшуносларнинг тасаввуф ва назариясига оид асарлари таржималари, мақолалари, мумтоз тасаввуф

адабиёти намуналари, “Накшбандия”, “Ислом нури” газеталари, “Ўзбекистон мусулмонлари”, «Ҳидоят сари» журналлари ва бошқа матбуот саҳифалари, луғатлар, дарслик ва қўлланмалардан тўпланган лисоний материаллар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети тасаввуфий лексик қатламни ташкил қиладиган истилоҳлар - оқдин қўлланилган ва ҳозир истеъмолда қўлланилаётган (хоҳ у таржима асарларда бўлсин, хоҳ тасаввуф тарихи, назариясига, мумтоз тасаввуфий шеърят намуналари таҳлилларига оид бевосита яратилаётган асарларда ёки оғзаки нутқда бўлсин, катъий назар) соҳага алоқадор луғавий бирликлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда асосан, кузатиш ва қиёслаш, лексикани, хусусан, соҳалар лексикасини система сифатида тадқиқ этиш, қиёсий - тарихий, тавсифий, таснифий, генетик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

тасаввуфий тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар тўпланиб, уларнинг яхлит лексик қатлам сифатида муайян системани ташкил этиши монографик тарзда асосланган, уларнинг ясаиш усуллари, ўзига хос номланиш хусусиятлари, морфологик ва семантик таркиблари, истилоҳларнинг луғавий манбаси, ўз ва ўзлашма қатлами очиб берилган;

маънодошларнинг тасаввуфдаги бирлаштирувчи, фарқланувчи нозик маъно қирралари кўрсатилган ҳамда зид маъноли лексемаларнинг семалари тафовутлар эволюциясига урғу берилган ҳолда генетик таркиби текширилган;

кўп маъноли лексемалар маъноларининг ривожланиши учун туртки бўлган объектив сабаблар, шаклдошлардан фарқли жиҳатлари кўрсатилган, маъно кўчиш йўллари ва усуллари аниқланган;

тасаввуфий тушунчани ифодаловчи лексемаларнинг асосий луғатларда қай тарзда ифодаланганлиги, изоҳлардаги услубий гализликлар ва уларни тузатиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

тасаввуф ва шеърят муносабатлари мумтоз адабиёт намуналарида қўлланган тасаввуфий сўзларнинг лексик-грамматик хусусиятлари очиб берилиб, соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш масаласи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: тасаввуфнинг инсонни маънавий камолатга етказиш ҳақидаги қарашлар, умуминсоний қадриятлар, миллат маънавий онгининг юксалиши, бугунги кун ўқувчисининг дунёқарashi, тафаккурини шакллантириш ва жамиятнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик юксалишида муҳим аҳамият касб этиши асосланган;

системали тадқиқ усуллари воситасида ўзбек тили, лексика, терминология ва тасаввуфий лексиканинг системали ҳодиса эканлиги илмий далиллар ёрдамида исботланган;

лексик-семантик майдоннинг ўрганилмаган жабҳаларидан бири, ҳолат билан боғлиқ илм саналган тасаввуфга оид луғавий қатламни

лексикологик-терминологик аспектда тадқиқ этиш самарали натижа бериши кўрсатилган;

Ўзбек тили тасаввуф лексикасининг мавзуий гуруҳлари, сўзларнинг семантикаси, сўз ясалиш усуллари, истилоҳларнинг тил манбаси, ўз ва ўзлашма қатламлари аниқланиб, маънодошлик, вариантлилиқ, зид маънолилиқ, кўп маънолилиқ ҳодисалари асосланиб, соҳага оид луғавий қатламнинг луғатлардаги ифодаси ёритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндошув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар лексикани системали тадқиқ қилиш: «Мавзуий гуруҳларга бўлиб ўрганиш методи», «Сўзларнинг шакл структурасига кўра системалаш методи», «Сўзларнинг ясалиш структурасига кўра системалаш методи» ва «Сўзларни тарихий-этимологик гуруҳларга ажратиш методи», «Сўзларнинг тарихий-этимологик гуруҳларга бўлиб системалаштириш методи», «Сўзларнинг маъно структурасига кўра системалаштириш методи», «Сўзларнинг функционал-частотавий жиҳатларига кўра системалаштириш методи» ва бошқа методларга таянган ҳолда иш олиб борилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тасаввуфнинг инсонни маънавий камолатга етказиши ҳақидаги қарашлар, умуминсоний қадриятлар, миллат маънавий онгининг юксалиши, бутунги кун ўқувчисининг дунёқараши, тафаккурини шакллантириш ва жамиятнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-эстетик юксалишига оид илмий-назарий хулосалар тилшунослик ва адабиётшунослик соҳасини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, хулосалар ва тавсиялардан Олий Маҳад, Ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Ал-Бухорий номли илмий тадқиқот маркази, Ҳадисшунослик мактаби, Шарқшунослик институти, олийгоҳларнинг филология, журналистика факультетлари, ўрта махсус ислом билим юртлари талабаларига маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини бойитиш, малакавий битирув ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда, маънавий қадриятларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тили тасаввуфий лексикасининг систем тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бобораҳим Машраб ва Аҳмад Яссавийнинг комил инсон гоёяси билан сўғорилган шеърини асарлари таҳлилига доир илмий-назарий хулосалардан 5.1.17 рақамли «Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси» (2003-2007) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89-03-4613-сон маълумотномаси). Натижада Бобораҳим Машраб ва Аҳмад Яссавийнинг комил инсон ғояси билан суғорилган шеърый асарлари замонавий таҳлили, миллий адабиётимиз тарихидаги мумтоз асарлар марказида турган комил инсон концепциясининг улуғ шоирлар шеъриятида тақомиллашишига оид муаммолар ечилишига хизмат қилган;

Шарқ мумтоз сўз санъати комил инсон концепцияси тарихини асослаш, генетик таркибини белгилашга доир илмий маълумотлардан ОТ-Ф8-002 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 ноябрдаги 89-03-4613-сон маълумотномаси). Натижада шарқ мумтоз сўз санъати комил инсон концепцияси тарихини асослаш бўйича муайян хулосалар чиқариш имконини берган ва лойиҳадаги баъзи тушунчалар изоҳига аниқлик киритилишига хизмат қилган;

“Шаҳс ифодаловчи истилоҳлар луғати” ва “Тасаввуфий лексика маънодошлари луғати”дан “Ислом энциклопедия”си (2015-2017) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил, 09 декабрдаги 6216-сон далолатномаси). Натижада ислом энциклопедиясининг биринчи нашри³ амалга оширилган, аҳли ҳақ, бадаъ, кубровийлик, набий, солиқ каби тушунчаларнинг изоҳларидаги камчиликларни тузатиш, чашмаи Айюб, хирка, такво, ташбих, зоҳид, Билқис каби тушунчаларни изоҳлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган;

“Алишер Навоий асарларида ҳалоллик талқини” йўналишидаги муҳим илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Маҳалла радиоканалида «Мунаввар соатлар» эшиттириши сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 07 февралдаги 22-4-35-78-сон маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар илмий-назарий маълумотлар билан бойитилиб, уларнинг илмий-маърифий савияси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 18 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган: 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, шартли қисқартмалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан

³Ислом: энциклопедия (З. Хусниддинов таҳрири остида). - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003.

иборат бўлиб, ҳажми 271 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тадқиқот тузилиши кўрсатилган.

Ишнинг «**Ўзбек тилининг тасаввуфий лексик қатламининг мавзуй гуруҳлари ва семантикаси**» деб номланган 1-бобида дастлаб тилни мавзуй гуруҳларга бўлиб ўрганиш хусусида тилшунослиқдаги турлича қарашлар ҳақида керакли мулоҳазалар билдирилган, тасаввуф илмига оид луғавий қатлам мавзуй тасниф асосида тадқиқ қилинган. Ва муайян мавзуй гуруҳни ташкил этувчи истилоҳларнинг шу гуруҳга тааллуқли маънолари ёритилган, яъни истилоҳлар семантикаси очиб берилган. Ўзбек тили тасаввуфий лексикаси куйидаги мавзуй гуруҳлардан иборат эканлиги аниқланган:

1.Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар. 2.Шахс ифодаловчи сўзлар. 3.Тасаввуфий тимсол англатувчи сўзлар. 4.Моддий унсур номлари.

1.1. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар ўз навбатида шундай микрогуруҳлардан иборат эканлиги кўрсатилган:

1.1.1.«Аллоҳ Таолонинг тасаввуфий асарларда келган гўзал исмлари ва уларнинг семантикаси» номли мазкур бандда Олам яратувчиси маъносини ифодаловчи истилоҳлар аташ, доимий номига айланиши хусусиятига кўра куйидаги микрогуруҳларга ажратиб ўрганилган ва семантикаси аниқланган:

1) ягона, холис борлик маъноси билан боғлиқ ҳолда номланган исмлар: *Ҳақиқий вужуд, Мутлақ вужуд, Зоти Хувият, Мутлақ Амо, Муқаддас рух, Қудси рух, Бирубор,Алиф*; 2) илоҳий ишқ билан боғлиқ ҳолда номланган исмлар: *Жамоли илоҳий, Яширин хазина, Ҳусни мутлақ*; 3)ягона бошқарувчи маъноси билан боғлиқ ҳолда номланган исмлар: *султон, хожя, раҳбар, сарвар*; 4) Аллоҳга мурожаат шакллари билан боғлиқ номлар: *У,Ўзи.*

Вазифавий-услубий жиҳатдан гуруҳлаш методи асосида истилоҳлар куйидагича ажратилган:

1.Соҳада қўлланувчи: *Ҳақиқий вужуд, Мутлақ вужуд, Зоти хувият, Мутлақ Амо, Муқаддас рух, Қудси рух, Вужуди мутлақ, Воҳиди қудрат* ва б.

2.Умумистеъмолдаги сўзлар: *Аллоҳ, Худо, Тангри, Яратган, Холик, Парвардигор, Ҳақ* ва б.

1.1.2. “Шаръий истилоҳлар ва уларнинг семантикаси” номли банд куйидагича икки қисмга бўлиб ўрганилган:

1.1.2.1. Шаръий истилоҳларнинг мавзуй гуруҳлари. Улар шундай

микрогурухлардан иборатлиги асосланган: 1.Ақоид (ақида)га оид истилохлар: *китоб, охират, номаи аъмол* ва б. 2.Таҳоратга оид истилохлар: *мусалло, ер таҳорати, аврат, сатр-и аврат* ва б. 3.Намозга оид истилохлар: *жума намози, жамоат намози, жалсада товонга ўтирмақ, чордона қуриб ўтирмақ* ва б. 4.Закотга оид истилохлар: *закот қисмини ажратиш, закотни бериш чогида ният қилиш, закотни бериладиган кишига етказиш* ва б. 5.Рўза (араб. савм)га оид истилохлар: *фарз рўза, вожиб рўза, каффорат рўза, назр рўза* ва б. 6.Ҳажга оид истилохлар: *Зул-хулайфа, Жаҳфа,ифрод, қирон, таматтуъ, умра* ва б.

1.1.2.2.Шаръий истилохларнинг тасаввуфда аниқлашчи маънолари номли бандда *таҳорат, намоз, рўза, закот, ҳижоб* каби истилохларнинг тариқатда аниқлашчи маънолари ҳақида мулоҳазалар баён қилинган. Масалан, тариқатдаги *закот* охиратга оид фойдадан берилди. Яъни охират фақирларига ва унга мухтожларга тарқатилади. *Ҳижоб* (араб. “*парда, ёпинғич*”) – мусулмон аёлларнинг қўчага чиққанда танасининг *аврат* қисмини беркитиб турадиган ёпинғич⁴ни билдиради. Тариқатдаги *ҳижоб* – *парда, тўсиқ. Ошиқни маъшуқасидан ажратадиган ёки йироқлаштирадиган парда. Дунё ва охиратга оид тамаъ ва ниятлар инсонни Аллоҳдан ажратувчи ҳижоблардир*⁵.

1.1.3.Тасаввуф тариқатларининг номларини ифодаловчи истилохлар бандида дастлаб, *тариқат* (араб.“*йўл, усул*”) тасаввуф лексикасида куйидаги бир неча маъноларни ифодалаш учун қўлланилиши қайд этилган ва керакли мулоҳазалар билдирилган: 1)“*Босқич, мартаба*”; 2)“*Тасаввуфдаги тармоқ, йўналиш*”; 3)“*Сўфийлик йўлини танлаш*”.

Тариқатлар таснифи илмий ишда шу тарзда берилган:

Зикр кўринишига кўра тасниф: 1)*қиёмий тариқатлар (туруқи қиёмия)*: кўпроқ тик ҳолда зикр қилувчи тариқатлар; 2)*қуудий тариқатлар (туруқи қуудия)*: ўтириб зикр қиладиган тариқатлар; 3)*хафий тариқатлар (туруқи хафий)*: овоз чиқармай яширин зикр қилувчи тариқатлар, масалан, нақшбандия; 3)*жаҳрий тариқатлар (туруқи жаҳрия)*: овоз чиқариб зикр қилувчи тариқатлар; масалан, хилватия⁶.

Усулига кўра тасниф: 1)*тариқи ахёр (хайрлилар йўли)*; 2)*тариқи аброр (қалби софларнинг йўли)*; 3)*тариқи шуттор (ишиқ ва жазба аҳлининг йўли)*⁷.

Фикр тизимларининг ҳақ ва ботил бўлишига кўра тасниф: 1)*ҳақ (шаръий, ортодокс) тариқатлар*; 2)*ботил (гайришаръий, гетеродокс) тариқатлар* тарзида. Уларнинг семантикаси батафсил ёритилган.

1.1.4. “Сайру сулук тушунчаларини ифодаловчи истилохлар”

⁴ Исл. энц.

⁵ ТХ. Илова-лугат.

Тас.тар. – Б. 62.

⁷ MuhammadAliAyniy.Tasavvufitarixi. – Ist.: 1339. – Б.лар 193-194; IsmoilHakkifZmirli.Yangūkalamilmi.1-kitab. – Ist.: 1341.–Б. 155.

гуруҳида истилоҳлар шундай таснифланган ва семантикаси очиб берилган:

1.Холат билдирувчи истилоҳлар: *сақр, сахъ, муроқаб*а каби истилоҳлар семантикаси таҳлил қилинган. 2.Харакат ифодаловчи истилоҳлар: *узлат, хилват, чилла, арбаин* ва уларнинг семантикаси ёритилган. 3.«Маънавий манзил» ифодаловчи истилоҳлар: 1)даража-маком ифодаловчи: *нафси аммора, нафси лаввома, нафси мулҳима, нафси лаввома* ва б. истилоҳлар маънолари ҳақида сўз борган; 2)охирги манзилни ифодаловчи: *фано, тавҳид, ўлим, вуслат* сингари сўзлар семантикаси ёритилган; 3)маънавий борлиқ маъносидаги билдирувчи сўзлар: *Ариш, Курси, самоъ, лавҳул маҳфуз* ва бошқа истилоҳларнинг семантикаси ўрганилган.

1.1.5. «Илмлар номларини ифодаловчи истилоҳлар» бандида ботин ва зоҳирлигига кўра илмлар: 1)зоҳирий илм: *шариат илми/илми фикҳ, илми ҳадис, илми калом, илми тафсири*; 2)ботиний илм: *тавҳид илми, илми ладун, гайб илми* тарзида гуруҳланган.

Илм ифодаловчи сўзлар семантик нуқтаи назардан қуйидагича микрогуруҳлардан иборатлиги исботланган:

1.Завқий илм: *яқин, илмал яқин, илми ҳузурий, ҳоля илми* ва б. 2.Сирлилиқ билан боғлиқ илм: *илми асрор, гайб илми, илми ладун* ва б. 3.Одоб-ахлоқ илми: *фаросат илми, илми мушоҳада, муомалат илми, маърифат* ва б. 4. Нафсга қарши курашмоқ илми: *илми мужоҳада, музоҳара, муҳодара* ва б. 5.Тавҳидга оид илм: *тавҳид илми, шухудий тавҳид илми* ва б. Мазкур гуруҳларга хос семантика хусусида фикр юритилган.

1.1.6. «Илоҳий ишқ билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар» бўлимида ишқиифодаловчи истилоҳлар 4 семантик гуруҳни ташкил этиши қайд этилган ва уларнинг нозик маъно оттенкалари аниқланган: 1.Қалб маъносидаги истилоҳлар: *қўнғил уйи, қўнғил тахти, ориф юрак, ориф қўнғил* ва б. 2.Илоҳий нур маъносини ифодаловчи истилоҳлар: *тажалли, жило* ва б. 3.Илоҳий муҳаббат ва унинг даражаларини ифодаловчи истилоҳлар: *илоҳий ишқ, вазед, ҳаво* ва б.

1.2. “Шаҳе маъносини ифодаловчи истилоҳларнинг мавзуий гуруҳлари ва уларнинг семантикаси” банди 2 қисмга бўлиб ўрганилган:

1.2.1. Муайян инсонларга қўйилган номлар ва уларнинг семантикаси қисмида Расулulloҳ Муҳаммад (с.а.в.)нинг номлари ва диний-ғасаввувий манбаларда учровчи муайян шахс номлари қуйидагича таҳлил қилинган:

1)Расулulloҳ Муҳаммад (с.а.в.)нинг номлари яъни аташ, доимий номига айланиши хусусиятига кўра шундай ажратилган: а)Расулulloҳ Муҳаммад (с.а.в.) нинг хос номлари ва улар семантикаси: *пайғамбарлар муҳри, амин, мустафо, Ҳабиб Аллоҳ, АбдуллоҳАҳмад, Аҳсан, Ажвад, Акрам, Амин* сингари номлар маънолари ҳақида сўз борган; б)Муҳаммад(а.с.)нинг бошқа пайғамбар(а.с.)ларга нисбатан ҳам

қўлланиладиган номлари ва уларнинг семантикаси: *расул, набий, пайгамбар* каби истилоҳлар таҳлил қилинган.

2)диний-тасаввуфий манбаларда учровчи муайян шахс номлари: *Хизр(а.с.), Маҳдий, Исо Масиҳ, Жаброил(а.с.), Макоил(а.с.), Исрофил(а.с.), Азройил(а.с.), кироман котибийн, чилтон* ва б. номарнинг семалари ёритилган.

1.2.2. Умумий шахс ифодаловчи истилоҳлар 2 бўлимга ажратиб тадқиқ қилинган:

1.2.2.1. Умумий шахс ифодаловчи истилоҳларнинг мавзуий гуруҳлари қуйидагича беришган:

1. Шариятга оид шахс отлари: 1)ибодат маъноси билан боғлиқ: *аҳли уқбо, порсо, тақводор, муслим, мусулмон, муттақий, обид* ва б; 2)мушриклик билан боғлиқ: *гуноҳкор банда, мулҳид, кофир, мужассамийлар, муртад, муаттила, осий, фосиқ* ва б; 3)шарият билан боғлиқ номлар: *бош муфти, доғий, мулла, мукотиб, мутавалли* ва б.

2. Тарикатга оид шахс отлари: 1)рижолул ғайба оид шахс отлари: *қутб, имом айн, мардони ғайб, равосий, авсот, нужабо, нуқабо* ва б; 2)илоҳий ишқ маъноси билан боғлиқ шахс отлари:*ишқ аҳли, биҳдул, гирён, глим кийган оишқ қуллар, девона, шаҳидбози, булбул, девонаи жули, жазба аҳли, пири муғон* ва б; 3)илм билан маъноси боғлиқ шахс отлари: *ирфон аҳли, донишманд, маъни аҳли, олим, оқил* ва б; 4)ҳолат билан боғлиқ шахс отлари: *аҳли ҳол, ибнул вақт, абул вақт, дарвеш (энг юксак ҳолли), жуийя (қорни очлар), мужтаҳид, шайх-ул ғайб//меъзон-ул ғайб, мусоҳиб, муштоқ* ва б; 5)фано билан боғлиқ шахс отлари: *аҳли фано, восили ҳақ, мутаваккил, Қутб-ул ақтоб, гавс;* б)олам маъноси билан боғлиқ шахс отлари: *кичик олам/олами суғро, аҳли шаҳодат, даҳр аҳли, мулк аҳли;* 7)сайру сулуқ билан боғлиқ шахс отлари: *йўлчи, мужоҳид, сайёҳ, сайёр, мусофир, сайёд* ва б; 8)инсонийлик сифатлари билан боғлиқ номлар: *марди Ҳақ, маъсум, огоҳ, озод, хайр халқи* ва б; 9)устоз маъносидаги шахс отлари: *шайх, ота, пир, маънавий ота, муриид//мурииди комил, устоз, чироқ* ва б.

Тадқиқотда шахс ифодаловчи сўзларнинг турли мазҳаблар ва шахснинг маънавий матабасига кўра гуруҳлари шу тарзда аниқланган:

Турли мазҳабларга кўра тасниф:

1.Шариятга оид: 1)аҳли сунна вал жамоага оид: *нақиб, ножия, ол ал-байт, салаф, тобеин, табаъа тобеин, саҳоба, суннат али, уммати расул* ва б. 2)ўзга дин вакиллари: *коҳин, муаттила, милла, мушаббиха* ва б.

2.Тарикатга оид: 1)тарикатга кирган маъноси билан боғлиқ: *сойил, солик;* 2)ботинийлик билан боғлиқ: *ботиний, шуттор, ғайб аҳли* ва б.

Шахснинг эришган маънавий матабасига кўра тасниф:

1.Тарикатга энди кирган: *толиб* (тарикатга кирмоқчи бўлган, аммо хануз қабул қилинмаган), *бадойих соҳиби, мубтадий* ва б. 2.Ўрта даражага эришган: *мурид* (истаги қабул этилиб, тарикатга олинган, *солик* – сайру сулуқни давом эттираётган), *ихвон, лавойих соҳиби, мутаवоссит* ва б.

3.Охирги хадга етган: *восил* (сайру сулукни тамомлаб, Аллоҳга восил бўлган), *мунтаҳий*.

1.2.2.2. «Шахс оти ифодаловчи истилоҳларнинг семантикаси» бўлимида айрим шахс ифодаловчи сўзларнинг маъновий хусусиятлари ёритилган. *Абдол, аброр, авлиё, озоҳ*, *озод* каби сўзларнинг бир мавзуий гуруҳга бирлаштирувчи мазмунлари очиб берилган.

1.3. «Тасаввуфий тимсол англатувчи сўзлар» уч турга бўлиб тадқиқ қилинган:

1.3.1. «Ранг ифодаловчи сўзлар семантикаси» бандида *яшил, оқ, қора* ранг ифодаловчи сўзлар куйидагича тасаввуфий мазмунларни тимсол қилиши таъкидланади: 1)сўфий киядиган либосларининг ранглари орқали сулукда эришилган маънавий даража; 2)инсоннинг амали ва маънавий даражасига кўра жаннатдаги мақоми; 3)сайру сулукдаги ўлим - сўфийнинг мужоҳада асосида нафсни енгиши маъносини; 4)нафс мартабалари ва пайғамбар (а.с.)лардан бири эришган маънавий мақомларни.

Нур тасаввуф илмида қуйидаги маъноларни ифодалаши айtilган: 1)Аллоҳ дини; 2)ҳақ йўл; 3)сўнги хадга етган солиқнинг аҳволи руҳияси; 4)солиқнинг қалби, танаси ва чеҳрасидан таралаётган нур; 5)или нури; 6)комил инсон руҳининг шакли; 7)ўн саккиз минг оламнинг номларидан бири (*нур* ёки *нурония* шаклида).

1.3.2. Рақам ифодаловчи сўзлар семантикаси таркибида (1)*етти рақами семантикаси* (а) нафс мартабаларини ифодалайди. Улар етти босқичдан иборат бўлганлиги сабабли унга *латоифи ситта* номи берилган; б)рижолул ғайбдаги *абдол* ёки *ахёр* дейилган *етти валий*ни англатади. Уларга *етти иқлим*ни бошқариш юклатилган); 2)*тўққиз рақами семантикаси* (*тўққиз кўк* ва б. бирикмалар); 3)*ўн саккиз рақами семантикаси* (“*Ўн саккиз минг олам*” - поэтик образлардан бири: *ориф ошиқ жон мулкида алам тортса, ўн саккиз минг қомуг олам гулгул бўлур* (Ҳикмат); 4)*қирқ рақами семантикаси* (а)хилватга “*қирқ*”, “*қирқ кун*” маъносини берувчи форс-тожикча *чэхилдан* келиб чикқан *чилла* ва арабча *арбаин* (*қирқ*) сўзлари қўлланилади⁸; б)*рижолул ғайбдаги нуҷабо* дейилган *қирқ валий* халққа ёрдам беришга масъулдир); 5)*уч ва уч юз, тўрт юз рақамлари семантикаси* (а)*уч* рақами бутун ҳаёт циклини - туғилиш, ҳаёт, ўлимни акс эттиради; б)рижолул ғайбдаги *уч юз валий ...*)⁹ атрофлича ёритилган.

1.3.3. «Ҳайвон номларини ифодаловчи сўзлар семантикаси» бандида ҳайвон номлари орқали 2 хил тасаввуфий тушунчалар англатилиши қайд этилган:

1)нафс мартабалари билан боғлиқ маънавий даражани кўрсатувчи белгини тимсол қилади. Улар 2 хил белги-сифатни англатади: а)ижобий белги (*туя, от, қўй, сигир* ҳайвонлари “*мунтаҳинна*” дея таъбир этилувчи нафсни намоён қилади); б)салбий белги (*арслон, бўри, тўнғиз* нафсининг

⁸Тас. тар. – Б. 78.

2ТХ. - Б. 234; Тас. тар. – Б. 97- 98.

аммора, лаввома ва *мулҳима* сифатларини кўрсатади); 2) инсон руҳининг шаклини англатади (ёмон одамнинг руҳи *бўри*, яхши инсоннинг руҳи келинчак шаклида, комил инсоннинг руҳи эса латиф ҳарир шаклига кирар, ёруғ нурдан иборат бўлар экан).

1.4. «Тасаввуф лексикасида моддий унсурларни ифодаловчи истилоҳлар» бандида моддий унсур номлари семантикасига кўра уч турга ажратиб тасниф қилинган ва семалари ўрганилган:

1.4.1. «Урин-жой номларини билдирувчи истилоҳлар» бутун ва бўлак маъносини англатишига кўра шу тарзда ажратилган:

1.Тарикат фаоллари фаолият кўрсатадиган маскан маъносини ифодаловчи: *такя, рибот, зовия*. 2.Тарикат фаоллари фаолият кўрсатадиган масканнинг қисмини англатувчи: *чиллахона, хужра, дарвешхона*.

1.4.2. «Тарикат қиёфаларини ифодаловчи моддий унсур номлари ва уларнинг семантикаси» бандида тарикат қиёфалари ифодаловчи номлар маъносига кўра 3 турга ажратилган:

1.Уст кийимни ифодаловчи истилоҳлар ва уларнинг семантикаси қуйидагича берилган:

Хирқа Унинг кўриниши кенг, олди очик, ёқасиз, енги узун ва бўйига ҳам узун либосдир. Сўфийнинг хирқа кийиши унинг шайхга таслим бўлиши маъносини англатади. *Хирқа* (араб.) “ямоқ, қуроқ” маъносидаги сўз. Икки хил хирқа кийилади: *хирқаи иродат, хирқаи табаррук*.

Хирқа маънавий даража англатишига кўра 2 турга бўлинган ва истилоҳлар семалари шундай ифодаланган: 1)*хирқаи табаррук*: ҳали тарикатга кирмаган, баъзан зикр мажлислари ва шайх суҳбатларига қатнашадиган кишига ўз истагига биноан кийдирилади. Шу орқали тарикатга мэхр пайдо бўлиши ва қўл беришга ташвиқ этилган бўлади. Бу хирқа истаганга кийдирилади. Бунга *муҳиб хирқаси, муҳиб кисваси* ҳам дейилади; 2)*хирқаи иродат, хирқаи инобат*: шайхга қўл бериб тарикатга аъзо бўлган кишига шайх томонидан маълум бир маросим билан кийдирилган хирқадир.

Таннуранинг икки хил тури мавжуд: 1)*хизмат таннураси*; 2)*самов таннураси*. Бу *або* деб ҳам юритилади.

2.Бош кийим ифодаловчи истилоҳлар ва улар айримларининг семантикаси ишда қуйидагича ёритилган: тарикатнинг яна бир муҳим қиёфаларидан бири *қулоҳ (тож, сикка)* бўлиб, бошга кийиладиган, жундан тикилаган сарпушча. *Қубба, лангар* деб аталадиган икки қисмдан иборатдир. Қулоҳнинг устига ўраладиган сапла *дастюр* деб аталади.

3.Қиёфа-кийим кийиш жараёнини англатувчи истилоҳлар ва уларнинг таснифи келтирилган. Қиёфа-кийимнинг бутун ва бўлак англатишига кўра таснифи шу тарзда берилган: 1.Уст кийимни англатади: *хирқа, муҳиб хирқаси, муҳиб кисваси*. 2.Бош кийимни англатади: *қулоҳ, сикка, тож* ва б. 3.Уст кийим қисмини англатади: *шадд, камар, гайрат белбоги* ва б. 4.Бош кийим қисмини англатади: *қубба, лангар, дастюр* ва б.

1.4.3. Қурол - восита маъносини билдирувчи бирликлар ва уларнинг семантикаси аниқланган ва гуруҳлари қуйидагича ёритилган:

Курул – воситалар куйидаги уч хил жисмдан ясалган бўлиши кўрсатилган: 1)матодан ясалган: *аълам*; 2)ҳайвон терисидан ясалган: *мўстак*, *жойнамоз*; 3)метал (ёки тахга)дан ясалган: *гўл*, *муттако-муин*.

Моддий унсур ифодаловчи истилоҳларнинг тарихий-вазифавий хусусиятларига кўра таснифи куйидагича берилган: 1.Эскирган: *рибот*, *зовия*, *хонақоҳ*, *мавлавийхона*, *қаландархона*, *муттако-муин*, *жойнамознишиши* ва б (сони: 25 та). 2.Маъносини ўзгартирган: *даргоҳ*, *остона*, *камар*, *така* ва б (сони: 35 та).

1-боб охирида шундай хулосалар берилган: тасаввуф лексикасига хос мавзуий гуруҳлар лексиканинг яхлит системадан иборат эканлигини яна бир бор исботлайди.

Келтирилган мавзуий таснифлар ва истилоҳлар семантикасининг очиб берилиши луғат таркибидаги луғавий бойликнинг муайян қирралари юзасидан маълум илмий тасавурларни туғдиради.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўзбек тили тасаввуфий лексик қатламининг таркиб топишида ички ва ташқи манбаларнинг ўрни**” деб номланади. «Тасаввуф лексикасининг таркиб топишида ички манбаларнинг ўрни» деб аталган 1-фаслида лексема ҳосил қилишнинг семантик, морфологик ва синтактик усул орқали тасаввуфий лексиканинг бойиш йўллари, уларнинг тил манбасига кўра таснифи ёритилган.

2.1.1. Семантик усулда истилоҳ ҳосил қилиниши икки хил шаклда намоён бўлади:

Соф семантик усул *қутб* (тасаввуфга хос) - *қутб* (географияга хос); *ота* (тасаввуфга хос) – *ота* (қариндош-уруғчилик лексикасига хос); *раҳбар* (*муршид* тасаввуфга хос) - *раҳбар* (сиёсатга хос) каби мисоллар билан асосланган.

Семантик-синтактик усул (яшалишнинг ҳам семантик, ҳам синтактик усулидан фойдаланилади, бошқа соҳага кўчган лексема фақат кўшимча луғавий бирликлар билан биргаликда ўша соҳага оид маъно англатади) ёрдамида *қўнғил қутиш*, *нубувват муҳри*, *самов зикри*, *маънавий ота*, *набийлик силсиласи*, *нусрат қалити* сингари истилоҳлар ҳосил бўлганлиги, семантик-синтактик йўл билан ҳосил қилинган тасаввуфга оид лексемаларнинг кўп қисми "сифатловчи-сифатланмиш" типдаги бирикмалар эканлиги исботланган.

2.1.2. Морфологик яшалиш: тасаввуфий лексикада морфологик усулда сўз ҳосил бўлиши ўта фаол даражада эмас. Аффикслар воситасида 1000 га яқин лексемалар ясалган:

1. **-лик:** 1)"сайру сулужда ҳаққа етказувчи йўл" (*яссавийлик*, *нақибандийлик*, *ботинийлик*, *қаландарийлик*, *кубравийлик*); 2)"сулуждаги мартаба, босқич, мақом" (*зоҳидлик*, *фанолик*, *жумурдлик*); 3)инсоний - маънавий борлик (бунда **-лик** сифатдан, баъзан эса отдан от сўз туркумини ҳосил қилади (*йўқлик*, *бақолик*, *комиллик*, *девоналик*, *хурлик*, *ўзлик*, *борлик*, *қуллик*, *мискинлик*) маъноларини ҳосил қилиши; 4)белгини билдирувчи отлар (ижобий маъно англатувчи: *орифлик*, *фақирлик*,

хотиржамлик, холислик; салбий маъно англатувчи: *гофиллик, ҳорислик, гумроҳлик*) ясаши ва *-лик* аффикси билан ҳосил қилинган истилоҳлар сони 300 тани ташкил этиши қайд этилган.

2. *-(и)я*: тариқат ва уларнинг шаҳобчалари номлари ҳосил бўлган: *Қодирия, Яссавия, Нақибандия, Кубравия, Фирдавсия, Нурия, Маъруфия, Хилватия* ва б. Тариқатларнинг номлари одатда шу тариқатга асос солган ёки унинг ривожланишига катта ҳисса қўшган сўфийларнинг номларига - *(и)я* қўшимчасини қўшиш орқали ясалганлиги, асос сўзлар тариқат пирлари яшаб ўтган жой билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкинлиги (*Яссавия, Мисрия, Румия* ва б.), одатда тариқат номлари ясалиш асосларининг мазмуни тариқатларнинг фарқланувчи хусусиятларига боғлиқ бўлиши аниқланган.

3. *-ий/-вий*: 1) тасаввуф вакилларининг номларига қўшилиши (*Жийлоний, Байрамий, Яссавий, Нақибандий, Саъдий, Раббоний*); 2) мазҳаб номлари ясаши (*ҳанафий, сунний, шофий, увайсий*); 3) бирор - бир маслакка мансубликни билдирувчи отлар ҳосил қилиши (*Салоҳиддин Ушишоқий бундай деган: менхилватий, жалватий, бектоший, саъдий, байрамий, қодирий, ушишоқий, нақибандий ва мавлавийман* (Тас. тар. 72) далиллар асосида очиб берилган. Тасаввуфда *жаҳрий, ҳафий* каби зикр кўринишлари бўлиб, улар гарчи бир қарашда ясама бўлиб кўринса ҳам мазкур сўзлар *хаф-ий, жаҳр-ий* тарзида морфемаларга ажралмайди ("*жаҳр*" , "*хаф*" каби сўзлар ўзбек тилида учрамайди). Шу сабабли, *-ий* аффикси воситасидаги ясалиш бу ўринда мавжуд эмас деб қаралади (*фаерий, тадрижий*); 4) шахс маъносини ифодаловчи от ҳосил қилиши исботланган ва куйидаги мулоҳазалар билдирилган: *сўфий* (бирор киши тасаввуфга доир ёзилган китобларни ўқиб (пир ва унинг кўрсатмасини бажармасдан) шайх ёки *сўфий* бўлолмайди (Тас. тар. 3) сўзи шундай истилоҳ саналади. "*Суф*" калимаси "*жун, юнг*" маъносидаги "*суф*" сўздан олинган. *Сўфий* сўзи ана шу "*суф*"га *-ий* қўшимчасининг қўшилиши орқали ҳосил бўлган. *Сўфий*нинг ўзаги ("*суф*") сўзи ўзбек тилида мустақил қўлланилмайди. Мазкур сўз "*дам солганда, дуо ўқиганда беморга ёки унга бериладиган нарсага нафас уриб чиқариладиган товуш*" (ЎТИЛ II) мазмунида "*қуф*" билан жуфтлашган ҳолда фаол қўлланади.

Валий ясама сўз эмас, у морфемаларга ажралмайди. Яъни, ўзбек тилидаги "*вал*" *валий*нинг ясалишига асос бўлиб хизмат қилмайди. Мазкур *вал* рус тилидан олинган ва техникага оид термин бўлиб, шу соҳада "*турли машина ва механизмларда ўз ўқи атрофида айланадиган ва ўзига ўрнатилган деталга айланма ҳаракат ва куч узатадиган деталь, ўқ*" (ЎТИЛ II) маъносини билдиради. Худди шунингдек, *набий* ҳам ўзбек тилида маъноли қисмларга ажралмайди. Ўзбек тилида *осий, мубтадий, мунтаҳий, равосий, муфтий//муфти* каби тасаввуфий истилоҳлар ўзбек тилида маъноли қисмларга бўлинмайди. Мазкур бўлимда шукаби керакли мулоҳазалар баён қилинган.

4) *-ит// -ят// -ият// -(о)т// -(у)т* воситасидаги ясалиш хусусида ишда шундай фикрлар келтирилган: сўз охирида *-ит// -ят// -ият// -(о)т// -(у)т*

фонемалари мавжуд бўлган истилоҳлар тасаввуф лексикасида талайгина. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилининг сўз ясалиш воситалари асосида ясалган ясама сўзлар эмас. Масалан, *риёзат, айнийят, маъсият, хувият, маият (бирга бўлиш), Лахут* кабилар ўзбек тилига араб тилидан тайёр болатда ўзлаштирилган. Юқоридаги қўшимча воситасида *муомала+т, башар+ият, абадий+ат, унс+ият, ислом+ият, аҳад+ият* каби истилоҳлар ясалган. *-(а)т/-(-и)я/-(-о)т, -(у)т* қўшимчаси "ахлитлик, умумийлик" маъносини ифодаловчи истилоҳларни ҳосил қилади. Мазкур аффикслар ўзакларга қўшилганда фонетик жиҳатдан ўзак таркибида товуш ўзгариши ходисалари баъзан юз бериши мумкин. Масалан, *Нубувват, каромат, сакинат, шаҳодат, рисолат, вуслат* каби лексемалар товуш ўзгаришига учрайди. *Башар+ият, воҳид+ият, аҳад+ият, махлуқ+от, муомала+т, руҳ+ият, унс+ият* каби лексемаларнинг ясовчи асослари аффикс қўшилганда товуш ўзгаришига учрамайди. 5) ишда *-хона* ва қуйидаги кам унум аффикслар ясаган истилоҳлардан мисоллар берилган: *-хона* (ф-т. "уй ёки бинонинг девор билан ажратилган ҳар бир алоҳида қисми; бўлма"): *хонақоҳ, чиллаҳона, хилватхона, самоъхона, тавҳидхона, муроқабихона, дарवेशхона, чиллаҳона, ибодатхона* ва б. *-чи* (йўлчи, шафоятчи); *-ил.тоҳ(-уллоҳ)* (*зикриллоҳ авлиёulloҳ, расулulloҳ, шаҳидulloҳ, маърифатуллоҳ*); *-(и)ш* (*эвришиш, покляниш, софляниш*; *-(у)в*: *қўркув*); *-гоҳ* (*тажгоҳ, саждагоҳ*); *-баста* (*камарбаста*); *сар-* (*сармаст*); *бе-* (*бехабар*); *ним-* (*нимтариқ*).

2.1.3. Тасаввуфий қатламга оид тушунчаларнинг бирикмалар воситасида ифодаланиши диссертацияда қуйидагича тадқиқ қилинган:

луғавий қатламда йиғиқ бирикмалар (икки мустақил маъноли сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлган бирликлар) ҳамда ёйиқ бирикмалар (уч ва ундан ортиқ мустақил маъноли лексемаларнинг қўшилиувидан юзага келган бирликлар) қўлланаётганлиги аниқланган. Соҳага оид манбалардан олинган 1000 дан ортиқ бирикманинг қарийб 80 % йиғиқ бирикмалар саналади: *нубувват силсиласи, аҳли тариқат, илоҳий илҳом, сўлтонул орифин, хайру эҳсон, зикру тасбеҳот, муришиди комил* ва б.

Ёйиқ бирикмалар уч ва ундан ортиқ мустақил маъноли лексемалар (ёрдамчи сўзлар бунга қўшилимайди) дан таркиб топади: 1) *уч* компонентли бирикмалар: *мутлақ ҳурлик йўли, илоҳий нур қайнози, илоҳий файз одами, ишқ жазба йўли, Аҳли суннат эътиқоди* ва б; 2) *тўрт* компонентли бирикмалар: *фақру фано водийсининг идоси, ўлимдан оптимистик натижа чиқарувчи, банданинг худо тарафига сайри* ва б; 3) *беш* компонентли бирикмалар: *шахснинг ўз виждонига бориш йўли, оммага хос бўлган шариат илми* ва б; 4) *олти* компонентли бирикмалар: гарчи нутқ жараёнида қийинчилик туғдирса-да, қўлланилиб келинаётганини қуйидаги мисоллар билан тасдиқлаш мумкин: *инони ихтиёрини қазо илқиға топшириш сирлари, мутавоссит муриднинг Муҳаммад алайҳиссаломга робита қилиши* ва бошқалар.

Қуйида икки компонентли бирикмаларнинг хил ва турлари ҳақида

тўхтаб ўтилади. Чунки шу йўсинда бирикишнинг конун - қоидалари аниқланганда кўп компонентли бирикмаларнинг шаклланиш йўллари билгилан олиш аниқ осон кечади.

От +от андозаси: 1)иккита мустақил маъноли лексема сўз тартиби ва интонация воситасида грамматик кўрсаткичсиз битишув йўли билан бирикади: *сунний сўфийлик, соя борлик, файз ганж*; 2)иккита мустақил маъноли лексема грамматик кўрсаткич орқали бирикади: а)бирикманинг биринчи компоненти қаратқич келишиги қўшимчаси билан шакллантирилган бўлади: *хоснинг хоси, Ҳақнинг сифати, сифатнинг тажаллиси, Аллоҳнинг лутфи* ва б.Тасаввуфий манбаларда бу типдаги бирикмаларнинг деярли барчасининг биринчи компонентидagi қаратқич келишиги қўшимчасининг одатда белгисиз қўлланилиши кузатилади: *имон соҳиби, Ҳақ нури, имон овози, Ҳақ тажаллийси, ваҳдат майи, пайгамбарлар ҳотами, авом тавҳиди* ва б. б)бирикманинг иккинчи компоненти эгалик қўшимчаси билан шакллантирилган бўлади: *амр олами, фақр аҳли, сўфийлик хирқаси, жаннат равзаси, валийлик мартабаси* ва б; в)-ни, -га, -да, -дан келишик қўшимчалари орқали боғланган бўлади: бунда бирикманинг биринчи компонентига *-ни, -га, -да, -дан* қўшимчаларидан бири қўшилади ва одатда бу каби бирикмаларнинг иккинчи компоненти *-лик* қўшимчаси орқали ясалган бўлади: *гуноҳга иқрорлик, нафсга қуллик, ўзни тута олмаслик* ва б; г)бирикманинг таркибидagi компонентлар форсча *-и* изофаси воситасида бирикади: унинг иккинчи компоненти (ёки иккала компоненти) кўпинча, сўзлашув тилида қўлланилмайдиган сўздан иборат бўлади: *тажаллийи афъол, толиби дийдор, аҳли суннат, Руҳи Аъзам, тавҳиди афъол, мақоми маҳмуд* ва б. Юқоридаги бирикмалар тартибига кўра форс - тожик тили синтактик қурилишини ўзида намоён этади. Бундай бирикмаларнинг кўпчилиги ўзбек тилининг гап қурилишига (сифатловчи+сифатланмиш типидagi бирикувга) мос равишда бирикиши ҳам мумкин. Масалан, *зикри қалбий–қалбий зикр, инсонни комил – комил инсон, зикри қиём – қиёмий зикр* каби шаклларда ишлатилади. Лекин юқоридаги каби бирикмаларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилининг синтактик қолибига мослашган ҳолда қўлланилмайди. *Шери худо, нафси комила, зикри арра, ақли аввал* каби бирикмаларни *худонинг шери, комила нафси, арра зикри, аввал ақли* шаклида қўллаш мумкин эмас. Мазкур форс-тожикча *-и* изофаси айрим истилоҳлар таркибида *-у* шаклида ҳам қўлланилади: *фақру фано, кашфу илҳом, хайру садақ* тарзида; д) бирикма қисмлари ўзаро араб изофаси *-ал, -ул* ва уларнинг вариантлари орқали боғланади: *султонул орифин, сиррус сир, рижолул гайб, Олам ал гайб, Ҳаққал яқин* ва б.

2. Сифат+от андозаси: 1) нисбий сифатли бирикмалар: ўзбек тилининг тасаввуфий лексик қатламида биринчи компоненти сифатдан иборат бирикманинг сифат қисми турли аффикслар билан ясалган бўлиши мумкин. Масалан: 1) *-ий* аффиксли бирикмалар: *маънавий файз, ботиний ибодат, руҳоний ҳаёт, диний ҳужжат, нафсоний лаззат, илоҳий файз*

ва б.

Тасаввуфий манбаларда **-ий** кўшимчаси соҳада кўп қўлланиладиган сўзларга, масалан, *илоҳ* (*илоҳий файз, илоҳий маърифат, илоҳий исм, илоҳий ишк*), *тасаввуф* (*тасаввуфий ҳаёт, тасаввуфий маслак*), *дин* (*диний вазифа, диний ҳужжат*), *руҳ* (*руҳий ҳаёт, руҳий жараён*) сўзларига қўшилиб бирикманинг сифатловчисини ясаydi. *Жаҳрий тариқат, қуддий тариқат, ухравий мукофот* (*сўфий*) билан боғлиқ бирикмалар бундан мустасно) каби бирикма ҳолидаги истилоҳларнинг сифатловчи компоненти **-ий** воситасида ҳосил бўлган эмас. Сабаби *хаф+ий, қулл+ий, фон+ий, тажалл+ий, жаҳр+ий, қуд+ий, ухра+вий* каби ясалмиш ўзбек тилининг тасаввуф лексикасида реаллик касб этмайди. **-ий** аффикси тасаввуф лексикасида ўта унумдор ҳисобланиб, унинг воситасида ясалган нисбий сифатли бирикмалар 80 фоизни ташкил қилади.

Юқоридаги аффиксдан ташқари **-ли** (*қудратли дўст, давомли сукут, сирли кечинма*); **-(и)ят** (*руҳоният илми, қутбият сифати*); **-кор** (*ғуноҳкор банда*); **-ин** (*яширин зикр*); **-ик** (*мифик тафаккур, миствошиқ*) аффикслари кам миқдорда бўлса ҳам икки компонентли нисбий сифатли бирикмаларнинг сифатловчи қисмини ясаш учун хизмат қилган.

3. **От+фееъ** андозаси: 1) белгисиз боғланиш (*иршод қилиш, файз қилмоқ, қўл бериш, байъат қилмоқ, арбаин чиқариш* ва б. 2) белгили боғланиш (*оламдан қочиш* (*ал фирр мин - ад дунё*), *дайрдан чиқиш, парданинг кўтарилиши* ва б.).

4. **Сон+от** андозаси: *ўн ақл, тўққиз кўк, тўрт унсур, уч маълуд, етти мартаба//латоифи ситта* каби истилоҳлар сон+от типига ўзаро бирикувни ҳосил қилади ва б.

2.1.4. Тасаввуфий лексиканинг тил манбасига кўра таснифи

Илмий ишда тил манбасига кўра тасаввуфий луғавий қатламда истилоҳлар ясаш ва ҳосил қилиш қуйидаги қолипларда амалга ошириш исботланган: 1) ўзлашган сўзга ўзбекча аффикс қўшилади: *бақо+лик, мискин+лик, дарвеш+лик, шафоат+чи* ва б; 2) ўзлашган сўзга ўзбек тилига ўзлашган аффикс (аффиксоид), олд кўшимча қўшилади: *хона+қоҳ(-гоҳ), дарвеш+хона, сар+маст* ва б; 3) ўзлашган сўз ва туб туркий сўз ўзаро бирикади: *кўнгил қутиш, хирқа киймоқ, соя борлиқ, парданинг кўтарилиши, қонъи одам* ва б; 4) бир тилдан ўзлашган икки лексема бирикади: *зикру тасбеҳот, хайру эҳсон, ғуноҳкор банда* ва б; 5) манбаига кўра иккита бошқа-бошқа тилдан ўзлашган сўзлар бирикади: *ваҳдат майи, зикри арра* ва б.

Мазкур бобнинг «Тасаввуф лексикасининг таркиб топишида ташқи манбаларнинг ўрни» деб аталган 2-фаслида ташқи омиллар, яъни бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш орқали тасаввуфий лексиканинг бойиш йўллари ҳақида сўз боради.

2.2.1. Араб тилидан ўзлашган истилоҳлар: ишда тасаввуфдаги асосий тушунчаларни ифодаловчи *адаб* - ("одаб"), *автод, абдол, тавба, узлат, бақо, фано, силсила, шажара, илми ҳол, илми қол* ва бошқа арабий

истилоҳларнинг изоҳлари келтирилиб оптимал фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Асарларда турғун бирикма шаклига келган иборалар кўп учрайди. Бу фаол қўлланувчи бирикмаларнинг кўп қисми арабча сўзларнинг бирикувидан иборатдир: (*Асмой ҳусна //Асмо ал-Ҳусно* – “Аллоҳу Таолонинг гўзал исмлари”, *Аллоҳ аза ва жалла, Аллоҳ Субҳонаху Таоло, салоллоҳу алайҳи васаллам//алайҳиссалом, Қуддуса сирраҳу, Қуддасаллоҳу руҳаҳу, анал ҳақ, Муту қабла ан тамуту, раҳматуллоҳи алайҳ*). Ундан ташқари, араб тилидан ўзлашган лексемалар асосида кўплаб бирикмалар ҳосил бўлган (*тақво аҳли, маърифат баҳри, фақрлик мақоми, виро ҳажжи, илоҳиёт дунёси, нубувват силсиласи* ва б). Бу эса ўзбек тили лексикасининг, шунингдек, тасаввуфий луғавий қатламнинг бугунга қадар узлуксиз равишда бойиб келганлигидан далолатдир. Илмий ишда мана шу каби арабий сўзлар бирикишидан пайдо бўлган ҳосилалар борасида фикр юритилган.

2.2.2. Форс - тожик тилларидан ўзлаштирилган истилоҳлар

Тасаввуфий мазмун ифодаловчи лексик бирикларнинг айримлари форс - тожик тилларидан ўзлаштирилган: *пир, хожса, дарвеш, порсо* ва б. Бундай истилоҳлар ҳақида тадқиқот ишида қуйидагича мулоҳазалар баён қилинган:

"Ғиёс ул - луғот"да изоҳланишича, *дарвеш* сўзининг асл маъноси "эшиклардан нарса тилловчи" демакдир. *Дарвеш*нинг қадимий шакли *даровез* - "эшикларга осилувчи" дир. У кейинчалик *дарвеш* бўлган. Дарвеш учун муршиднинг эшиги бамисоли Каъбадир, у ана шу эшикка осилувчи ва ундан нажот тилловчидир.

Нақшбандия тариқати асосларининг кўпи форс-тожикча сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлган бирикмалар воситасида номланади: *хилват дар анжуман, ёд қард, бозғашит, нигоҳдошт, ёддошт*. Бундан ташқари форс - тожик тилидан ўзлашган сўзлар иштирокида бир қанча бирикмалар ҳосил бўлган. Масалан, *зот* иштирокида ясалган бирикмалар: *муборак зот, тақводор зот, зоти аҳадият, зотнинг зоҳири, зотий ишқ* ва б; *пир* дан ясалган бирикмалар: *хузури пир, пири соний* ва б.

2.2.3. Рус тилидан ўзлаштирилган тасаввуфга алоқадор сўзлар

Тадқиқот ишида *мистицизм, аскетизм, пантеизм, сўфизм, романтизм* сўзлари хусусида қуйидагича мулоҳазалар билдирилган:

-*изм* аффикси ўзбек тили сўз ясалиши борасида реаллик касб этмайди. Тасаввуф билан алоқадор *пантеизм, реализм, аскетизм, мистицизм* каби сўзлар таркибидаги *-изм* рус тилининг ясовчи компоненти ҳисобланади ва шу тилдан юқоридаги шаклда тайёр ҳолда ўзлаштирилган. *-изм* қўшимчаси ўзбекча тасаввуфий манбаларда фаол қўлланувчи *сўфий* сўзига қўшилиб «таълимот» маъносини ҳосил қилган: *сўф+изм* тарзида. Бу ўринда *-изм* аффикси *-лик* аффиксининг вазифасини бажарган (ёки *-лик* билан

маънодошликни ташкил қилган). Юқорида келтирилган сўзлар каби "зўр кўтаринки руҳ уйғотадиган, кишини улугликка илҳомлантирувчи гоя ва ҳис - туйғулар билан тўлиб - тошган нарса" (ЎТИЛ II) маъносини билдирувчи *романтика* сўзи эса рус тилидан олингандир.

Диссертациянинг 3-боби «Тасаввуфий лексик катламда маънодошлик, зид маънолик ва кўп маънолик ҳодисалари» деб номланган. Унда тасаввуфий лексикада маънодошлик, зид маънолик, кўп маънолик ҳодисалари таҳлил қилинган.

Бобнинг 1-фасли «Тасаввуф лексикасида маънодошлик» хусусида фикр мулоҳазалар билдирилган: - *лик* (қодирийлик, қаландарийлик) ва *-и(я)* (*саъд-ия, акбар-ия, суҳравард-ия*) аффикслари «тариқат номларини ясаи» хусусиятига эга бўлганлиги учун соҳада аффиксал маънодошликни ташкил қилади. Бошқа аффикслар ўртасида маънодошлик мавжуд эмас.

Тасаввуфий лексик катламда луғавий маънодошлик кенг тарқалган. Масалан, «Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса» мазмуни ўзбек тилида қуйидаги каби йигирмага яқин сўзлар воситасида ифодаланади: *фано ҳарими, авом куткуси, олам, соя борлик, дунё, мосиво, даво, ёлгон, агёр, гафлат, моуман, касрат, зурбат, махлуқот* кабилар (ТХ. 220).

Сўз ясалиши доирасида пайдо бўлган, вақт ўтиши билан шакли маълум даражада ўзгаришга дуч келган лексемалар вариантлар деб аталади. Тасаввуфий лексика доирасида учрайдиган вариантлар қуйидагилар: *сайёҳ/сайёҳун// сайёҳ //саёҳатчи, муҳиб хирқаси//муҳиб кисвасы, зикри ҳафийй/зикри хуфия, зикри жаҳрийй/зикри жаҳрия, тарик//тариқат* ва б. Тадқиқот ишининг мазкур бўлимида маънодошлар ва вариантлар муаммоси атрофлича ўрганилган. Уларнинг ўзаро фарқланувчи маъно оттенкалари ёритилиб, бирлаштирувчи семалари аниқланган.

«Тасаввуф лексикасида зид маънолик» деб номланган мазкур бобнинг 2-фаслида қуйидаги фикр-мулоҳазалар баён қилинган: «*йиғилган, тўпланган*» (ЎТИЛ II) маъносини билдирувчи *жамъ* ва «*нарсалар орасидаги номувофиқлик, ўхшашсизлик; айирма, тафовут*» (ЎТИЛ II) маъносини ифодаловчи *фарқ* сўзлари ўзбек умумий сўзлашув тилида фаол бўлиб, улар тасаввуф илмида ўзаро зид тушунчаларни ифодалашга хизмат қилади. «*Жамъ* тўпланиш демакдир, *фарқ* эса ажралишдир. Сўфийлар *жамъ* билан *фарқ*ни ўзларича ҳис қилишган ва шунга кўра таърифлар беришган: *жамъ* - ваҳдат, *фарқ* - касрат, *жамъ* Ҳаққа доир, *фарқ* қулга оид нарса, *жамъ* - барча нарсани Аллоҳ билан қоим кўрмок, *фарқ* эса - ашёни Аллоҳдан айри, аммо Аллоҳдан деб билмоқдир»¹⁰.

Тадқиқотда *мабда* ва *маод*, *қавси нузул* ва *қавси уруж* ҳам зид маъноли истилоҳлари ҳам таҳлил қилинган.

Бобнинг «Кўп маънолик ҳодисаси» деб аталган 3-фаслида тасаввуф лексикасида бир неча маъно ифодаловчи истилоҳлар тадқиқ қилинган: *масбех* (араб.) истилоҳининг дастлабки маъноси «*субҳонллаҳ*» («*Аллоҳ ҳар қандай шерикдан пок*» калимасини айтишдир. Унинг кўчма

¹⁰ТХ. – Б. 219.

маъноси “дуолар ва ибодат сўзларини ҳисоблаш учун ишлатиладиган мунчоқ шодаси”. Тасбеҳнинг ушбу кўчма маъноси алоқадорлик метонимия асосида кўчганлиги исботланган. Шунингдек, ишда **тариқат**, **ҳарам** кўп маъноли истилоҳларининг маъно кўчиш йўллари кўрсатиб берилган.

ТТС луғатда кўп маъноли истилоҳлар бир неча кўчма маънолари билан бирга берилган. Улар қуйидагилар: **бахр** (بحر), **жон** (جان), **чироқ** (چراغ), **дард** (درد), **дил** (دل), **дуррисухан** (سخن‌در), **абжод** (ابجد), **хаммор** (خمر) ва б.

Умуман олганда, мазкур лексик қатламда маънодошлик, кўп маънолилиқ, вариантлилиқ ва ҳ. к. масалаларда бошқа қатламлардан фарқли жиҳатларнинг бири маънодошлар микдорининг кўплиги бўлса, яна бири тасаввуфий тармок лексикасида кўп маънолилиқ ҳодисасининг мавжуд эканлигидир.

Диссертациянинг 4-боби “Тасаввуфий лексиканинг **функционал-частотавий жиҳатлари**” деб номланган бўлиб, 2 фаслдан иборатдир.

Бобнинг 1-фасли “Тасаввуф ва ўзбек луғатшунослиги” деб номланиб, унда катта ҳажмдаги меъёрий луғатларда тасаввуфий сўзлар ифодаси хусусида сўз боради:

1. “Девону луғот ит-турк” асарида тасаввуфий тушунчаларни **англатувчи сўзларнинг ифодаланиши**” хусусида атрофлича фикрлар билдирилган. “Девону луғот ит-турк” асаридаги тасаввуфга алоқадор сўзлар диахроник ва синхроник қўламда қўлланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилган:

1) **диахроник ва синхроник таркибда айнан қўлланидиган сўзлар**: илмий ишда диахроник ва синхроник таркиб (эски туркий тил ва ҳозирги ўзбек адабий тили таркиби)да айнан қўлланидиган ДЛТда берилган тасаввуфий маъно англатувчи сўзлар (**юрак** (*jyṛäk*), **јақин** ва б.) 80 тани ташкил этиши ҳақида маълумот берилган; 2) **синхроник таркибда фонетик жиҳатдан ўзгарган сўзлар** тадқиқот ишида луғатда **умид**, **телба**, **қайгу** каби ҳозирги ўзбек тилида фаол қўлланувчи, тасаввуфда ҳам муайян маъно англатувчи сўзларнинг қадимги вариантлари қуйидагича берилганлиги: **умиду**(I, 146), **тэлвд**(I, 402), **қазғу**(I, 401); 3) **синхроник таркибда маъноси ўзгарган сўзлар**:

тадқиқотда тил тараққиётининг аввалги даврларида истеъмолда бўлган қуйидаги луғавий бириклар вақт ўтиши билан шаклан ўзгарипшисиз (ёки қисман ўзгарган) ҳолда, лекин лексик маъноси ўзгарган тарзда ҳозирги ўзбек тилида қўлланилаётганлиги таъкидланган: **дтрук** – **ҳиблағар**, **алдамчи**, **айёр**, **ёлгончи**(ўғузча) (I, 127), **алқинд**(**эралқинд** – **одам ўлди**, **туғади**, **йўқ бўлди**(**алқинур**, **алқинмақ**)) (I, 255), **сін** – **сўр** (III, 1) ва б;

4) **синхроник таркибда қўлланмайдиган сўзлар**: илмий ишда луғатда қайд этилган баъзи сўзлар давр ўтиши билан ҳозирги ўзбек тилида қўлланилмайдиган ҳолга келганлиги, отга оид: **кiртi** – **ростлик**, **ишонч**, **ҳақиқат** (I, 394), **билдә** – **олим**, **билагон**, **јазуқ** – **суноҳ** ... (III, 24) ва б; сифатга оид: **алчақ** – **юмшоқ табиатли**, **ювош**; **нозик**; **зариғ** (I, 126), **сiлик** – **нозик**, **хушёр**, **ақли**, **сезғир** (I, 370) феълга оид: **табуғ** – **хизмат қилиш**, **ибодат қилиш** (I, 354) каби сўзлар ДЛТ дан ўрин олганлиги қайд этилган ва таҳлил

қилинган.

2. “**ЎТИЛ да сўфиёна мазмушли сўзлар (1-2 нашри қиёсий таҳлили)**” хусусида куйидагича фикрлар билдирилган:

Аждолар илмига оид асарларнинг ўзбек тилига ўгирилиши, мутасаввуфлар томонидан тасаввуфга оид кўпгина асарларнинг бевосита яратилиши тилда ўзига хос лексик қатламни вужудга келтирган. Шўро даврида эскирган ҳисобланилган кўпгина тасаввуфий мазмуни билдирадиган сўзлар, айниқса, бутун янги яратилган асарларда фаол қўлланишдадир. Тилдаги бу ўзгариш **ЎТИЛ II** нинг руҳига том маънода сингдирилиши керак эди. *Робита, тамкин, ражо, авсот* каби тасаввуфий сўзларнинг изоҳлари янгитдан луғатга киритилганлиги айни муддао.

Ёзма ва оғзаки нутқда, айниқса, илм аҳлининг нутқида фаол қўлланилаётган *ирфон, комилинсон, мустафо* сўзлари луғатга киритилмаганлиги, шеърятда (хаттоки, оғзаки нутқда ҳам) фаол ҳисобланилган ва ирфоний мазмуниларга эга бўлган *аброр, ахрор, анфус, ладун, мавт* сўзлари “эсдан чиқарилган”лиги таъкидланган.

Авлиё, тасавуф, ибодат, тавҳид, мақом, хонақоҳ сўзларининг **ЎТИЛ II** даги изоҳлари ҳақида аниқ хулосалар баён қилинган.

3. «**Ислом энциклопедиясида тасаввуфий тушунчаларни англаувчи сўзлар**» ҳақида мулоҳазалар баён қилинган:

Энциклопедик луғатда 70 га яқин тасаввуфнинг асосий тушунчалари қомусда ифодаланган. *Гийлоний, Яссавий, Нақшбандий, Биби Мушкул қушод, Биби Сешанба* сигари ўттиз нафар мутасавуф, сўфийларнинг фаолиятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Булардан ташқари *Қубравийлик, Увайсийлик, Яссавийлик, Қаландарлик, Қодирийлик* каби тариқатларнинг асосий қоидалари, келиб чиқиш тарихи ва уларнинг вакиллари ҳақида энциклопедияда маълумотлар бор. Энциклопедик луғатда тасавуф тариқатларидан асосий 20 таси шарҳи берилганлиги ҳам айни муддао. Қомусга 65 та тариқат номидан иборат тариқатлар жадвали киритилган. Ислом энциклопедиясида аксарият тасаввуфий тушунчалар мақсадга мувофиқ равишда тўғри шарҳланган: *тавакқул, васл, дарғеш, қаландар, ижоза, бақо ва фано* ва б. Лекин кўпгина тасаввуфий мазмундаги тушунчаларнинг изоҳларида камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Луғатда *тажрид-тафрид*га амал қилинмаган. *Аҳлиҳақ, бадаъ, кубровийлик, набий, солиқ, таркидунёчилик, ҳол* ва бошқа тушунчаларнинг тузилиши, луғатдаги шарҳларида уларнинг нозик маънолари ҳақида хато ҳукмлар чиқарилган. «Ислом: энциклопедия»сидек инсон руҳияти ва маънавияти билан боглик луғатда *тажрид-тафрид*га тўла амал қилиниши зарур эди.

4. “**Hozirgi o‘zbek tili faol so‘zlarining izohli lug‘ati**”¹¹да тасаввуфий тушунчаларни англаувчи сўзларнинг ифодаланиши” ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган:

¹¹Хўфсл.

Луғатга кўра, тасаввуфий тушунчаларни ифодалаш учун хизмат килувчи *бедорлик, биҳишт, бокира, дин, девона, тафаккур, сафар, сабр, руҳ, оят, намаз, мусофир* каби туб ва ясама сўзларнинг 325 таси умумлексикада фаол ишлатилиши аниқланган.

Ишда халқ нутқида фаол тасаввуф сўзлари: *шаръий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар (хутба, худойи, тафсир, такбир, тангри, тоат, саҳоба, сажда, салла, савоб, сўфи, сўфинамо, сўфий, уламо, пайгамбар, улмут* ва б); *шаръий тушунчаларни ифодаламайдиган сўзлар (ҳиммат, ҳол, ҳур, фақир, ҳулқ, хос, хокисор, хилқат, серзавқ, закийлик* ва б) тарзида 2 гуруҳга ажратилган ва таҳлил қилинган.

Қаландар, дарвеш, девона, авлиё, валий, сўфиёна, шаръий каби тасаввуф илмига алоқадор бир қанча сўзларнинг изоҳлари ўқувчи онгига тўғри етиб бормайдиган даражада жўн ва содда тузилгани, мисол сифатида сунъий матнлардан фойдаланилгани, сўзларнинг изоҳланиши жараёнида тасаввуфга талқинларга оз бўлсада яқинлашиш ҳам бўлмагани танқид қилинган.

Мазкур бобнинг 2-фасли “Тасаввуфий шеъриятда қўлланувчи тил бирликлари” ҳақидадир. Унда Олам Яратувчиси маъносини ифодаловчи истилоҳлар «Ономосиологик-номинацион нуктаи назардан таснифлаш методи» асосида аташ, доимий номига айланиши хусусиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

1.Ягона, ҳолис борлиқ маъноси билан боғлиқ ҳолда номланган исмлар семантикаси бандида *Ҳу - Ҳу оти - Ҳу-ху муроди, Бирубор* номлари мазмунлари ёритилган.

2.Илоҳий ишқ билан боғлиқ ҳолда номланган исмлар семантикасида сўфий шоирлар асарларида келган илоҳий ишқ билан боғлиқ *пири музон, матлуб, дийдор, муддао, Ёру азал, Ҳусн шоҳи, Жонон* каби сўзлар хусусида фикрлар билдирилган.

3.Ягона бошқарувчи зот маъноси билан боғлиқ ҳолда номланган исмлар семантикаси *Султон, Хожя, Мавли/Мавло* сингари номлар таҳлили орқали ёритилган.

4.Ягона муқаддас зот маъносини ифодаловчи сўзлар бандида *илоҳ номи воситасида илоҳий жамол тимсоли, илоҳий ҳусн қудрати, илоҳий ишқ силсиласи, илоҳий шукуҳ, илоҳий лутф* ва ҳ. к. бирикма шаклидаги номлар тасаввуфий-шеърий манбаларда учраши исботланган.

ХУЛОСА

1. Ўзбек тилининг тасаввуф илмига хос лексика илк бор монографик ҳажмда яхлит лексик система сифатида ўрганилди. Унинг камрови микрогуруҳлар ва макрогуруҳлар мажмуидан иборатдир.

2. Тасаввуфий лексиканинг ўз қатлами таҳлилга тортилди. Тасаввуфга оид лексемаларнинг ясаиш усуллари, ўзига хос номланиш хусусиятлари, морфологик, семантик, синтактик ва тил манбасига кўра таркиби ўрганилган.

3. Ўзбек тилининг тасаввуфий лексикасида соф семантик ва синтактик усуллар билан ҳосил қилинган лексемалар мавжуд. Уларнинг юзага келишида, айниқса, сиёсий терминлар кўпроқ иштирок этади. Семантик - синтактик йўл билан ҳосил қилинган тасаввуфга оид лексемаларнинг кўп қисми "сифатловчи - сифатланмиш" типидagi бирикмалардир. Морфологик усулда сўз ҳосил бўлиши ўта фаол даражада эмас.

4. Ўзбек тилининг тасаввуф лексикасида бирикма типидagi истилоҳлар миқдорининг ниҳоятда кўшлиги ва таркибининг хилма хиллиги билан ўзак ва негиздан иборат лексемалардан фарқ қилади. Кўп компонентли бирикмаларнинг аксарияти икки компонентли бирикмалардир. Бундай бирикмалар қисмларининг бир-бири билан бирикиш усул ва воситаларининг хилма хиллиги билан ажралиб туради.

5. Бир луғавий қатлам ёки бошқа-бошқа луғавий қатламларга мансуб бўлган лексемаларнинг ясалиш манбаси, ўзаро қўшма сўз ёки бирикма шаклида бирлаша олиш-бирлаша олмаслик имкониятлари аниқланиб, ясама ва қўшма сўз, бирикмалар луғавий структура нуктаи назардан таҳлил қилинганда тасаввуфий лексик қатламнинг таркиб топишида тилдаги ички имкониятларнинг ўрни беқиёс, синтактик сўз ясалиш усуллари воситасидаги ясалиш айниқса фаол жараён эканлиги далиллар асосида ўз исботини топди.

6. Тасаввуф соҳасига оид лексик қатламда ўзлашма луғавий бирликлар салмокли ўринга эга эканлиги асослаб берилди. Араб тилидан ўзлашган лексемалар иштирокида кўплаб бирикмалар ҳосил бўлганлиги ўзбек тили лексикасининг, шунингдек, тасаввуфий қатламнинг бугунга қадар узлуксиз равишда бойиб келганлигидан далолат эканлиги қайд этилди.

7. Ўзбек халқи билан форс-тожик халқининг асрлар давомида ёнма-ён яшаб келганлиги, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги каби қатор омиллар ўзбек тилининг сўз бойлигида, жумладан, тасаввуф лексикасида форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган истилоҳларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Юқорида кўрсатилган нолисоний жиҳатлар ўзбек тили тасаввуф лексикаси юксалишининг асосий воситаларидан саналади.

8. Тасаввуф лексикасига алоқадор рус тилидан ўзлашган сўзлар кам миқдорда, айнан ёки ярым калькалаштирилган сўз қолиплари деярли учрамайди.

Мазкур қатлам таркибидаги арабча, форс - тожикча, русча ва рус тили орқали ўзлашган сўзлар махсус адабиётлар, хусусан мумтоз адабиёт намуналарида, тасаввуф илмига хос назарий асарларда, таржималар ва дарсликларда муайян акс этган. Маълум қисми эса оғзаки нутқда ҳам фаол қўлланилмоқда.

9. Тасаввуфий лексик қатламдаги маънодошлик, зид маънолилиқ, кўп маънолилиқ ва вариантлилиқ бир мунча фаол жараён. Бинобарин, маънодошларнинг тасаввуфдаги бирлаштирувчи семалари аниқланиб, фарқланувчи нозик маъно қирралари очиб берилди. Тасаввуфий лексик

катламдаги зид маъноли лексемалар таҳлил қилиниб, уларнинг семалари ўртасидаги тафовутлар ойдинлаштирилди. Тасаввуф лексикасидаги кўп маъноли лексемалар таҳлилга тортилди. Улар маъноларининг ривожланиши учун туртки бўлган объектив сабаблар аниқланиб, маъно кўчиш йўллари ва усуллари далилланди.

10. Мазкур лексик қатлам маънодошлик, кўп маънолилиқ борасида куйидаги ўзига хос жиҳатларга эга: 1) маънодошлар қаторида улар миқдорининг кўплиги; 2) соҳада кўп маънолилиқ ҳодисасининг мавжуд эканлиги (бошқа лексик доираларда бундай ҳолатга дуч келинмайди); 3) кашфий, ҳоллий илм саналган тасаввуф илмига хос тушунчаларни ифодаловчи истилоҳлар юзасидан тартибга келтириш ишларини олиб бориш мумкин эмаслиги.

11. Тасаввуфий сўзларнинг функционал-частотавий жиҳатлари: илмий-назарий манбалар, луғатлар ва шеърый асарларда қандай акс этганлиги ўрганилди: М. Кошғарийнинг «Девону луғот ит-турк», «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1-2-нашри), «Ислом: энциклопедия»си, «Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati»да ифодаланган тасаввуфий тушунчалар мақсадга мувофиқ тарзда, юқори илмий савияда, масаланинг моҳиятига имкон қадар тасаввуфий нуқтайи назардан ҳам ёндошилган ҳолда изоҳланиши кераклиги таъкидланиб, аниқ ва долзарб таклифлар киритилди;

тасаввуфий шеърятда қўлланувчи тил бирликлари, мумтоз адабиёт намуналарида, хусусан сўфий шоирлар А. Яссавий ва Бобораҳим Машраб асарларида ошиқ ва машғуқ образларини англаувчи тасаввуфий сўзларнинг маъновий хусусиятлари таҳлил қилинди, тил хусусиятлари ўрганилди.

Хуллас, ўзбек тилининг ўрганилмаган жабҳаларидан бири саналган тасаввуф илмига оид луғавий қатлам терминологик аспектда тадқиқ этилди. Соҳага оид лексиканинг тилдаги ифодаси, ўрни ва аҳамияти хусусида тегишли мулоҳазалар билдирилди, унинг системалилик хусусияти очиб берилди.

**ACADEMIC COUNCIL No.DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 PROVIDING
SCIENTIFIC DEGREE DSc UNDER THE TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF THE UZBEK LANGUAGE AND LITERATURE
NAMED AFTER ALISHER NAVOI**

**TASHKENT STATE UNIVERSITY OF THE UZBEK LANGUAGE AND
LITERATURE NAMED AFTER ALISHER NAVOI**

AKHATOVA MAKHBUBA SALIMOVNA

TASAWWUF LEXICON OF UZBEK LANGUAGE

10.00.01 – Uzbek language

**ABSTRACT OF DISSERTATION OF DOCTOR OF PHILOLOGY
(DSc)**

Tashkent – 2021

The topic of the Doctor of Philology (DSc) dissertation is registered in the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.4.DSc/Fil344.

The dissertation was completed at the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

The abstract of the dissertation is available in three languages (Uzbek, Russian, English (resume)) on the website of the Academic Council (www.navoiy-uni.uz) and on the Information and Education Portal "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Official opponents:

Dadaboev Hamidulla Aripovich

Doctor of philological sciences, professor

Sodikov Kosimzhon Pozilovich

Doctor of philological sciences, professor

Urazboev Abdulla Durdievich

Doctor of philological sciences

Leading organization:

Samarkand State University

The defense of the dissertation will be held at the meeting of the Academic Council of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 on 17 «12», 2021 at 10⁰⁰ (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khas Hajib Street, 103. Contact numbers: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

The dissertation is available at the Information Resource Center of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi (registered under 852) (Address: 100100, Tashkent, Yakkasaray district, Yusuf Khas Hajib Street, 103. Contact numbers: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44; fax: (99871) 281-42-44, (www.navoiy-uni.uz).

The abstract of the dissertation was distributed on 13 «12», 2021.
(Register Protocol No. 1 dated 13.12.2021).



Sh.S.Strojiddinov

Chairman of the Academic Council for Awarding Academic Degrees, DSc in Philology, Professor

K.U. Pardaev

Scientific Secretary of the Academic Council for Awarding Academic Degrees, Associate Professor, DSc in Philology.

N.M. Mahmudov

Chairman of the scientific seminar under the Academic Council for Awarding Degrees, DSc in Philology, Professor

INTRODUCTION (Abstract of Doctoral (DSc) dissertation)

Relevance and necessity of the dissertation topic. For Turkic literature, which has played an important role in the development of advanced artistic views of the world, tasawwuf literature (tasawwuf – “sufism, mysticism”) is like a cornerstone. From the linguistic point of view, the tasawwuf lexicon within the Uzbek language alone seems to be infinite in quantity. Just one example: the number of terms denoting a person within this lexical layer is about 550, and the number of words expressing the meaning of "tasawwuf science" is more than 30. One of them is "mysticism". The meaning of mysticism is "to be free from the world." With the exception of some differences, this is exactly the science of saints, mysticism. So what is "extramysticism"? ("Extra" means "outside") means to act for a specific purpose (for example, a material purpose). So, as mysticism (i.e. mysticism) is “to be free from the world,” extremism means a current against mysticism, that is, enlightenment, the science of the saint, science, gnosis, and great spirituality. From this we can draw a clear conclusion about the contradiction between the extramystic (anti-mystical) currents that sometimes attack society and the science of the saint, and the importance of the study of this science (including its linguistic features) today.

As much as it is necessary and important to study tasawwuf science in order to achieve world enlightenment civilization, it is also necessary and important to study its language and its enormous impact on the development of Turkic languages, especially Uzbek. But the work done by linguists in this field is almost non-existent. The study of the existing literature in this area, the issues of their specificity are not interpreted, the issues of drawing the necessary scientific conclusions are not covered in linguistics. Therefore, based on the weight of the work done, the study and evaluation of the tasawwuf lexical layer in the Uzbek language in this direction allows to draw holistic and general conclusions to complement the theory of general linguistics.

Since the years of independence, the first step towards the upbringing of a perfect person, raising a harmoniously developed generation without leaving an educational gap in the minds of young people, has become one of the top priorities of the country. Encouraging a person to perfection means, first of all, achieving the beauty of character, directing him to the perfection of morality. Sufism is the beauty of behavior. At a time when the government is considering this issue at the level of public policy, there is no doubt that the direct study of the science of gnosis - mysticism, which promotes the "idea of the perfect man", the creation of research on its lexicon is urgent.

This study to some extent contributes to the implementation of the tasks set out in such Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan as No.PR-2909 dated April 20, 2017 "On measures to further develop the higher education system", No. PR-2995 dated May 24, 2017 "On measures to further improve the system of preservation, research and promotion of ancient written sources", No. PR-2789 dated February 17, 2017 "On measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, the organization, management and

funding of research", No. PR-3271 dated September 13, 2017 "On a comprehensive program of measures to develop the system of publishing and distribution of book products, increase and promote the culture of reading and reading", in the Decree of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 124-Fdated February 16, 2018 "On holding an international conference on topical issues of international study and promotion of Uzbek classical and modern literature", in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 21, 2019 No PD-5850 "On measures to radically increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language" and other regulations related to this activity.

Correspondence of the research to the priorities of the development of science and technology of the republic. The research was carried out within the priority direction of the development of science and technology of the republic. "Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state, the development of an innovative economy."

Review of foreign research on the topic of the dissertation¹². In world mysticism, there were created scientific works such as Ibn Hanbal's "Musnad" (Istanbul), Fakhridin Iraqi's "Lamaot. Saffat"(Istanbul, 1985), Afifi's "Fit Tasawwufil Islami"(Cairo, 1956), Suhrawardi's "Avoriful Maorif "(Beirut, 1966), Suleiman Atash's "School of Signs of Interpretation" (Ankara, 1974), Jafar Sadiq's "Yoron. The Problem of Communication in Islamic Sufism" (Arzirum, 1986), Jurjani's Enlightenment (Istanbul, 1775), M.A. Joshan's "Tasawuf and Life" (Istanbul, 1996), Ahmad Avni Konak's "Fususal Hikam" (Istanbul, 1994), Ibn Arabi's "Enlightenment and Wisdom"(Istanbul, 1997). In foreign mysticism, large-scale dictionaries of this science in Arabic "Миръот ушшоқ", "Футухоти Маккия", "Истилохоти сўфия", in Persian-Tajik "Ғиёс ул-луғот", in Turkish "Tasavvuf teremlere sözluku" ("Dictionary of tasawwuf terms") were born. Research on the scientific and theoretical study of phenomena, concepts and important problems related to mysticism has been conducted in the following leading scientific centers of the world: Istanbul Universitesi (Turkey); Oxford, Kembridj universitetlari (UK); Ankara Universitesi, Институту забон, адабиёт, шарқшиносӣ ва мероси хатти ба номи Рӯдакӣ (Tajikistan); Aligarh Muslim

¹²Reviews of foreign research on the topic of the dissertation were published on the basis of <http://www.istanbul.edu.tr/>; <https://www.ankara.edu.tr/>; <http://literature.az/language/www>; Ziyouz. Com/O'zbektiliterinologiyasi; www.islom.uz/Quorontasiri.2008yil/; http://www.Islomvetasavvuf.Org/Islamvetasavvuf_hakkinda_bilgikaynagi/; <http://www.tasavvuf.info/makalalar/tasavvufvesufilar/>; <http://www.Tasavvufnedir.com/Tasavvufterimleri/>; [http://www.Tasavvufnedir.com/Makalalar/TasavvufGagirirken/](http://www.Tasavvufnedir.com/Tasavvufhakkinda/MeshhurTasavvufEkollari/Nakshbandiy,Kubraviye,Kadiriye,http://www.Tasavvufnedir.com/Makalalar/TasavvufGagirirken/); <http://www.tasavvuf.com/>; <http://www.tasavvuf.gen.uz/>; <http://www.caniventasavvuf.com/>; <http://www.islamvetasavvuf.com/>; <http://www.izmirtasavvuf.com/>; <http://www.ilmvetasavvuf.com/>; <http://www.Ziyouz.Com/O'zbektiliterinologiyasi/>; <http://www.Ziyouz.Com/ДаниленкоВ.П.Русскаятерминология:опытлингвистическогоописания;org/wikipedia/Tasavvuf>; www.tasavvufi-subhetlar.com/SeyhSuleymanelCezüli,DelailülHayrat/; www.amasyaschzadetasavvuf.com/www.tasavvuf.uz/tasavvuf/tasavvufadabiet/; www.Tasavvufasoslari.com; www.Tasavvufallomalari.com; <http://iza.tj/ru/institutyazyka-literaturny-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-irm-rudaki/>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://www.samdu.uz> and other sources.

University, Delhi University (India); Azərbaycan milli elmlər akademiyası Nizami adına adabiyat institutu (Azerbaijan); Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Russia); Інститут Востокознавства АН України ім. А. Кримського (Ukraine); and in our country: Institute of Uzbek language, literature and folklore, National University of Uzbekistan, Tashkent State University of Oriental Studies, Samarkand State University, Bukhara State University, Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi.

